Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Жиззах политехника институти

Автомеханика факультети

«Тасдиқлайман»
Автомеханика факультети декани
_____ доц. Х.Ҳ.Игамбердиев.
«___» _____ 2005 йил.

«Касб таълим ва педагогика» кафедраси

«Педагогик маҳорат» фанидан
лабаратория ишларни ўтказиш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тузувчи: **Абдурасулов Ф.П.**



Жиззах - 2005

UDK 378

Абдурасулов Ф.П.

«Педагогик маҳорат» фанидан лаборатория ишларини ўтказиш бўйича услубий кўрсарма. Жиззах -2005.

Ушбу услубий кўрсатмада педагогик маҳорат фанидан лаборатория ишларини ўтказиш методикаси баён этилган.

Услубий кўрсатма 5140900 касбий педагогик тайёргарлик йўналишида таълим олаётган талабалар, касб - ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Тақризчи: доц. Пайзимуродов Х.Қ.

№4 сонли 30 ноябр 2005 йил

институт ўқув-услубий кенгашида тасдиқланган

№2 сонли 6 сентябр 2005 йил

«Касб таълими ва Педагогика» кафедраси йиғилишида тасдиқланган

Мазкур услубий кўрсатмада «Педагогик маҳорат» фанинг бўлажак педагогларда касбий ижод, маҳорат кўникмаларини ҳосил қилиш, нутқ маданияти, педагогик техника малакаларини шакллантириш каби масалалар ўз аксини топган.

Сўз боши

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг талабларидан бири мутахассисларда умуминсоний қадриятларга асосланган шахсий ва касбий фазилатларни шакллантириш, касбга қизиқишни ривожлантиришдан иборатдир.

Фаннинг максади ва вазифалари.

Педагогик маҳорат фаннинг мақсади бўлажак педагогларда касбий ижод, маҳорат кўникмаларни ҳосил қилиш, нутқ маданияти, педагогик техника малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

Педагогик маҳорат фаннини ўрганиш жараёнида талабалар кузатувчанлик, ижодкорлик, илғор педагогик тажрибаларни мустақил ўрганишга ўргатилади, диққатларини тақсимлай олиш, билим, кўникмалари, психик холатларни бошқара олишга, педагогик техника маҳоратини мустақил ўзлаштиришга малакалари шакллантирилади.

Педагогик маҳорат фаннини ўрганиш ва уни ўқитувчилар томонидан машғулотлар олиб бориш қўйидаги имкониятларни беради: фаҳм-фаросат ва билимларни чинакам илмий тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган нуфузли рахбарларнинг, болалар қалбини қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, тарбияга озроқ куч сарфлаб, кўпроқ натижаларга эришиши имконин беради.

Педагогик маҳорат фанидан лаборатория-амалий машғулотлар

Амалий машғулотлар деганда машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория машғулотлари, семинар, педагогик ўйинли машғулотлар, мунозаралар асосида ўзлаштиришнинг шакллари тушунилади.

Амалий машғулотларда ҳар бир мавзу бўйича методик кўрсатмалар берилади: семинар, амалий ёки лаборатория машғулотларининг режалари ҳамда тарбиявий, таълимий, ривожлантириш мақсадлари, уларга адабиётлар, мустақил ишлари учун вазифалар берилади.

Биз талабаларга амалий машғулотларни бажаришдан олдин қуйидаги ишларни бажаришни тавсия этамиз:

- мавзу юзасидан зарурий адабиётларни тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш;
- яхшилаб ўйлаш ва ишнинг муффасал режасини тузиш;
- авторлар томонидан илгари сурилган у ёки бу қоидалар манбаларининг тўғрилигини ва ишончлилигини ўйлаб кўриш;
- адабиётларда кўриб чиқилган асосларни таққослаб, улардан умумий ва хусусийларини ажратиш, ўрганилган материалларни амалий машғулотларни режаларига мос умумлаштириш;
- машғулотга тегишли кўрсатмали қуролларни тайёрлаш, шахсий кузатишлар, тажрибадан моҳирлик билан фойдаланиш.

Мавзу: Ўқитувчининг ўз психик ҳолатини ўзи тартибга солиши

Мақсад: Махсус машқлар ёрдамида қуйидаги уқув ва малакаларни ҳосил қилиш: а) ўз ҳиссиётини бошқариш, психик ва жисмоний зўриқишларни йўқотиш; б) синф шароитида табиий ҳаракат қилиш, болалар билан муомала қилиш.

Жиҳозлар: Ўқитувчининг тўғри қоматини, камтар ва чиройли кийинганлигини тасвирловчи расмлар, суратлар, магнитафон, машқлар ёзиб олинган магнит ленталар.

Машғулот режаси:

1. «Педагогик маҳорат ва унинг аҳамияти» мавзуси бўйича назарий билимларни текшириш.
2. Мушаклар зўриқишини йўқотиш бўйича машқлар, ўзини психик холатини бошқариш.
3. Дарсни бошлашдан олдин ўзининг ижодий ҳиссиётларини сафарбар қилиш машқлари.
4. Микродарс ўтиш: Дарснинг бошланиши.

Машғулотнинг бориши:

1. Назарий билимларни текшириш. Илмий - техник ва социал тараққиёт даврида ўқитувчига қўйиладиган талаблар. Педагогик маҳоратнинг моҳияти. Педагогнинг ижодий ҳиссиёти ва уни ташкил қилиш йўллари.

2. Мушак зўриқишини йўқотиш учун машқлар, ўзининг психик холатини бошқариш. Психологик - педагогик тадқиқотчиларнинг фикри бўйича тарбиячининг педагогик маҳорати кўпроқ унинг жисмоний ва психик зўриқишларни йўқота олиши билан аниқланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, систематик машқлар ёрдамида ўз танасидаги ҳар қандай мушакларни бошқаришни ўрганиш мумкин.

Мушак зўриқишини йўқотиш машқлари.

1-машқ. Тўғри туринг, қўлларни олдинга узатинг, бармоқларни мушт қилиб тугинг, бу билан бир вақтда панжа, елка олди, елка мушакларини таранглант (3-4секунд). Бу вақтда хаёлий ҳаракатларни унутманг (сиз кучли, бақувват бўлишни хохлайсиз, сизнинг мушакларингиз таранглашган) энди бўлса бўшашинг, қўлларингиз маятниксимон ҳаракат қилиб пастга тушсин.

2-машқ. Олдинга эгилинг, қўлларини кўтаринг, бармоқларни мушт қилиб тугинг. Панжа, елка олди, елка мушакларини таранлаштиринг (3-4 секунд). Шундан сўнг бўшаштиринг, қўлларингиз маятниксимон ҳаракат қилиб пастга тушсин.

3-машқ. «Ҳолат» ва ниқоб релексацияси: дам олиш ҳолатида ўтиринг. қулай ва эркин жойлашинг, биринчи танланган ҳолатда қолмасдан, ўзингизни эркин ҳис қилинг (узоқ сайрдан кейин ёқимли дам ҳолатини тасаввур қилинг). Стулнинг суянчиғига суяниб, оёқларни бироз бир-биридан узоқлаштириб тизани букинг. Бу ҳолат тинчланишга имкон беради. Юз мушакларини бўшаштириш учун «ниқоб» релексациясини бажарамиз. қовоқни енгил туширамиз, тилни юқориги олдинги тишларнинг илдизларига ички томондан юмшоқ қўйинг (Т товуши), пастки жағга уни оғирлигини сезган ҳолда енгилгина осилишга йўл беринг. Ўз-ўзингизга қуйидаги буйруқларни Беринг: пешонани бўшаштиринг, ўнг ва чап қошни, қовоқни енгил туширинг - ўнг, чап. Жағ очилган, пастки жағ эркин пастга осилган. Лаблар бўшаштирилган - юқориги, пастки. Бўйин мушакларини бўшаштиринг - бош орқага ташланган. Елкаларни бўшаштиринг - елкалар туширилади. қўлларп, қўл панжалари - ўнг ва чап. қоринни бўш қўйинг - у юмшоқ, бўшашган. Оёқларни бўшаштиринг - ўнг, чап оёқ бармоқлари. Нафас эркин, тинч, секин, текис. Сиз дам олаяпсиз. Хаёлан

буйруқларни такрорланади. Бўшашган вақтда дам олинг (дала ҳовлида, пляжда дам олаётганлигингизни тасаввур қилинг). 2-3 минут дам олгач бўшашганлик холатидан чиқинг - керилинг, тўғри ўтиринг. Кескин буйруқлар берилади: «Қўл бармоқларини ўз олдингизда чалкаштиринг. Панжаларнни кафтларни юқорига қаратинг. Чуқур нафас олган ҳолда қўлларни юқорига кўтаринг (қўллар ажралмаган ҳолда). Нафасни кескин чиқариб қўлларни туширинг. Бу машқ 2-3 марта такрорланади.

Тўғри қадди - қоматни тутишни машқ қилиш

Педагогик маҳоратни моҳиятини текширувчи олимлар шунитакидлайдиларки, тарбиячи эстетик ифодаланган бўлиши керак. Бундай ифодаланганликни тўғри қадди - қомат имкон беради.

1-машқ. Сал эгилинг, бел ва елка мушакларини бўшаштиринг. Энди, ўз танангизни кўтаргандек (елкалар, кўкрак) ва уни орқага ва пастга ташлаб, уни умуртқа поғонасига «кийдиринг» пиджакни илгичга илган сингари. Бел маҳкам, тўғри бўлади, қўллар, бўйин, елкалар - эркин, енгил (2-3марта такрорланг).

2-машқ. Таянч нуқтаси тўғри танланишига, шовқинсиз ва латиф стулдан туриш моҳирлигига эътибор берилади.

3-машқ. Тўғри (шовқинсиз ва мақсадга йўналган) ҳаракатланиш - бошқа жойга ўтиб ўтириш: бир-бири билан ўрин алмашиш. Машқларни бажарилишини текширишда мақсадга йўналган ҳолда ҳаракат қилиш, ортиқча мушак зўриқишисиз, қадди-қоматни тутишга қўйилган талабларга риоя қилган ҳолда ҳаракат қилинганлигига эътибор берилади.

Синф шароитида табиий ва тартибли равишда ҳаракат қилиш маҳоратини ривожлантириш машқлари (синфга киришда ўзини тутиш, эшик олдида, синф олдида) ҳаракатларни мақсадга йўналганлиги, мушак эркинлиги борлиги.

А) қўлда журнални тутган ҳолда синфга тўғри кириш.

Б) синфга тўғри кириш; саломлашиш.

В) синфга тўғри кириш; саломлашиш; иш жойини эгаллаш.

Г) синфга тўғри кириш; саломлашиш; иш жойини эгаллаш; журнални очиш (ишни бошлаш...).

Д) синфга тўғри кириш; саломлашиш; иш жойини эгаллаш; журнални очиш...; кутилмаганда эшикни кимдир тақиллатди... - (сизни ҳаракатингиз).

Е) синфга тўғри кириш; саломлашиш; иш жойини эгаллаш; журнални очиш (ишни бошлаш...). Синфда кутилмаганда шовқин чиқди (китоб тушиб кетди, кулги ...) - (сизни ҳаракатингиз).

Микродарс ўтиш:

Болалар жамоаси билан танишиш. Мақсадга йўналган ва табиий равишда синфга кириш малакасини ривожлантирииш. «Болалар мен сизга ҳикоя қилиб бермоқчиман...» ҳолатида муомала қилиш. 3-4 талаба ўз синфи жамоаси билан энг яхши йўлларини кўрсатади (ўзига жалб қилиш, болаларга ёқиш...)

Ҳар бир суҳбат талабалар гуруҳида педагогик фаолият назарияси ва амалиёти нуқтаи назарида муҳокама қилинади.

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Ю.П.Азаров. Тарбиявий иш методикаси. Тошкент «Ўқитувчи» 1991 йил.
2. Основы педагогического мастерства. Москва Просвещение 1989 йил.
3. З.К.Исмоилова. Педагогикадан амалий машғулотлар. Тошкент «Фан» 2001 йил.
4. З.К.Исмоилова Тарбиявий иш методикаси. Тошкент «Истиқлол» 2003 йил.

Мавзу: Ўқитувчининг диққати ва кузатувчанлиги

Мақсад: педагог фаолиятида диққатнинг аҳамиятини кўрсатиш, диққатнинг касбий - педагогик хусусиятларини ривожлантириш

Машғулот режаси:

1. Талабаларнинг дарсга назарий тайёргарлигини текшириш.
2. Ўқитувчи диққатнинг касбий - педагогик хусусиятларини ривожлантириш машқлари.
3. Микродарс ўтиш: Ўқувчиларни дарсда билимларини текшириш.

Машғулотнинг бориши:

1. Талабаларнинг дарсга назарий тайёргарлигини қуйидаги саволлар орқали текшириш:

1. Шахсни фаоллигини намоён қилувчи диққат:

а) диққатнинг таърифи.

б) объектнинг аҳамияти ва диққат.

в) диққатнинг турлари.

г) диққатнинг асосий хусусиятлари.

2. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида диққатнинг аҳамияти.
3. Ўқитувчи диққатининг касбий - педагогик хусусиятлари.
4. Ўқувчиларни дарсдаги диққатини ушлаб турувчи ва чақирувчи шароитлар.

2. Ихтиёрий диққатни ривожлантириш машқлари.

1-машқ. «Уйга вазифа» расмлар тўпламини диққат билан кузатиб чиқиш (2 минут), сўнгра расмларни олиб қўйиш ва саволларга жавоб бериш: «Уйга вазифа» сериясида нечта расм бор? Ёзув столида нечта буюм тасвирланган? Қанақа? Бола дарс тайёрлаш ўрнига қайси предметни ўйнаб ўтирди? Рассом расмда нечта ўқувчи расмини тасвирлаган? Ўқувчи, унинг онаси диққатини қандай хусусиятлари бор? Мимика, поза (ҳолат) да диққатни ташқи кўринишини тасвирланг. Нима учун ўқитувчига диққатни ташқи кўринишини билиш зарур?

2-машқ. Суратда кўрсатилган болаларнинг диққат турларини аниқланг (ташқи кўриниши ёки эшитиш, ички диққат).

3-машқ. Кузатувчанликни ривожлантириш:

а) «Синфни» диққат билан кўриб чиқиш, сўнгра доскага қараб бурилиб саволларга жавоб бериш, ўртоқларидан қайси бири диққат қилди, қайсилари диққат қилмади, бу нимада намоён бўлди?

б) шундай «синфни» диққат билан кўриб чиқиш, бурилиб саволларга жавоб бериш, ўртоқлари қандай кетма - кетликда ўтирибди. Сўнгра буюмларни жойини алмаштириш, китоблар, стулларва 1-2 талабанинг ўрнини ўзгартириш. қайтадан «синфни» кўзданкечириб унда нима ўзгарганини аниқлаш.

в) стол устидаги буюмларни 2-3 секунд мабойнида кўриб чиқиш (6-7 мактаб ўқув қуроли), сўнгра уларни устини қоғоз билан ёпиш, кейин нарсаларни номларини айтиш, уларнинг сони, ранги, жойлашиши ва ҳ.к.

г) Кетма-кет уч талаба (навбат бўйича) синфга (аудиторияга) тескари қараб товушларни аниқлаш: пичирлаб айтилган сўзлар, товуш бўйича сўралаётган ёки ерга тушаётган нарсани аниқлаш.

4-машқ. Диққатни тақсимлаш ва ўзгартириш малакасини машқ қилиш. Синф раҳбари ролида чиқувчи талабага кичик шеърни ёд олиш таклиф қилинади. У ёд олаётганда унга саволларберилиб, мураккаб бўлмаган ҳаракатларни бажаришни

сўралади. Шундан сўнг, шеърни айтиб бери шва кетма-кет қайси саволлар берилган ёки қандай топшириқларни талаба бажарганлигини гапиприб бериши керак.

3 Микродарс ўтиш.

Ўқувчиларни дарсда билимларини текшириш. Ўқувчиларни билимини текшириш вақтида ўқитувчи томонидан диққатни машқ қилдириш мақсадида бир неча ўқув вазиятини кўриб чиқиш.

1-вазият. Ўқитувчи ўқувчилар билимини текширишни карточкалар бўйича олиб бораяпти. Икки ўқувчи доска олдида ишлаяпти, тўрттаси биринчи парталарда.

2-вазият. Ўқитувчи мавзу бўйича фронтал оғзаки сўров олиб бораяпти, талабаларни бўлғуси мутахассислигини ҳисобга олган ҳолда. Талабалар гуруҳи «Ўқитувчи» ҳулқини қуйидаги мезон бўйича анализ қилишади:

Синфга кириш, саломлашиш.

Ўқувчилар диққатини сафарбар қилиш.

Синф хонасини машғулотларга тайёрлигини текшириш.

Ўқувчиларни дарсга тайёрлигини текшириш.

Дарсни сўраш вақтида ўқувчилар диққатини тутиб туриш маҳорати.

Жавоб берувчилар, жавоб беришга тайёрланувчилар ва синф орасида диққатни тиқсимлаш маҳорати.

Мимика, ҳолати бўйича ўқувчиларни диққатини аниқлаш ва ўз вақтида уларни ишга жалб қила олиш маҳорати.

Ўқитувчининг ўқувчилар жавобларини тинглаш ва ўқувчи индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйилган баҳони асослаш маҳорати.

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Ю.П.Азаров. Тарбиявий иш методикаси. Тошкент «Ўқитувчи» 1991.
2. Основ**ы** педагогического мастерства. Москва Просве**щ**ение. 1989.
3. З.К.Исмоилова. Педагогикадан амалий машғулотлар. Тошкент. «Фан». 2001.
4. З.К.Исмоилова Тарбиявий иш методикаси. Тошкент. «Истиқлол». 2003.

Мавзу: Ўқитувчи овози хусусиятлари

Саволлар:

1. Ўқитувчи овози қандай сифатларга эга бўлмоғи лозим?
2. Овоз эшитилишининг ёқимли бўлиши нималарга асосланади? (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ёрқинлиги ҳақида сўзланг.)
3. Овознинг чидамлилиги, мослашувчанлиги, тембр ва тесситуранинг қарши шовқинларга кўра ўзгариб туришини изоҳланг.

1-вариант

Топшириқлар:

1. Қуйида берилган сўзларда **л** ва **р** товушларини аниқ талаффуз қилишни машқ қилинг, улар талаффузда иштирок этган нутқ органларига эътибор беринг.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатидан фойдаланган ҳолда а) ҳарфи билан белгиланган сўзларнинг маъноларини аниқланг: ҳар бир маънони очувчи жумлалар тузинг.

А) лаб-раф, латта-раддия, лобар-раҳбар, лой-рой, лайча-раъйича, лота - руда, лассо-расо, лат (емоқ) - рад (этмоқ), лимон-ремонт, лимит-ремень;

Б) бол-бор, ол-ор, зол-зор, холл-хор, кал-кар, тўл-тўр, кўл-кўр, бўл-бўр, зал-зар, тол-тор;

В) кала-карра, алла-арра, балли-барра, сала-сурра; зарра, буро, қирра, урра! тарақ, тилла, балли.

2. Шерий парчани ифодали ўқинг, л, р товларини жарангдор айтишга ҳаракат қилинг.

Юртим, сенга шеър битдим букун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор, ўз юртин бутун-
Олам аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп ероқ,
Қанотида кумуш диёри.
Бир ўлка бор дунёда бироқ
Битилмаган достондир бори:
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон Ватаним маним...

(Абдулла Ориповдан)

2-вариант

Топшириқлар:

1. Қуйида берилган сўзларда **с** ва **ш** товушларини тўғри ва равшан талаффуз этишни машқ қилинг; ажратиб берилган сўзларнинг маъноларини «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» асосида аниқланг ва улар иштирокида гаплар тузинг. Ёндош келган **ш, с**, товушларининг ассимиляциясига эътибор беринг:

а) сўр-шўр, сўра-шўра, сира-шира, Сириж-ширач;

б) тос-тош, тус-туш, қис - қиш, ис-иш, ос-ош, бос-бош, эс-эш, хас-ғаш, гурас-кураш;

в) ошсиз, бошсиз, тишсиз, тошсиз, ишсиз, курашсиз.

2. Парчани ифодали ўқинг. **с, ш** товушларининг талаффуз нормаларига эътибор беринг. Ҳар бир сўзни маъносидан қатъий назар ҳаяжон билан ўқишга ўқишга интилинг.

«Бола кечалари ёлғиз ўзи ҳовлига чиқишга қўрқарди, назарида туннинг ажиналари, ўғрилари бўларди. Айниқса, узун **қиш** кечалари ташқарида жаҳлдор **шамоллар ваҳшат солиб** чопишганида у онасининг ёнидан нари **кетмасди.** Боланинг Барчин опаси ҳамда Ботир акалари эса **сандал** атрофига тузилишиб, негадир нуқул ажиналару бойуғлилар, аллақандай кўзга кўринувчи нарсалар ҳақида бири олиб, бири қўйиб, узоқ гапиришарди. Кўзларидан ўт чақнаб қайлардадир одам чақирадиган **сеҳрли сувлар** борлигини, чақирилганлар эса албатта **ўша сувга** ғарқ бўлишини ваҳима Билан сўзлашарди. Онаси ҳар замонда: «Бўлди ҳу-ув, эртага мактабга... қаёқдаги гапларни топасанлар-эй» деб қўярди (Журналдан).

3-вариант

Топшириқлар:

1. Қуйидаги сўзларда **х** ва **ҳ** товушларини тўғри талаффуз этишни машқ қилинг. Уларни ҳар бирини талаффуз этишда қайси нутқ органлари иштирок этади? «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» дан ажратиб берилган сўзларнинг маъноларини топинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

а) холл-ҳол, хат-ҳат, ҳар-хар, **хам** - ҳам, хас-ҳасрат. Халқ - **ҳалқум**, хўр (ламоқ) - ҳур, халта-ҳалқа, **хусумат**-ҳукумат;

б) ахлоқ - аҳвол, ихтиёр-эҳтирос, бахт-баҳс, михлат (моқ)- меҳнат, бехол-беҳол, **тахир**-Тоҳир, **захмдор**-заҳматкаш, **интихоб** - имтиҳон.

2. Парчани **х** ва **ҳ** товушларининг талаффузига эътибор бериб ифодали ўқинг. Ўқиганда нафасдан тўғри фойдаланинг. Товушларнинг пайдо бўлиш ўринлари, усуллари, улар талаффузида иштирок этган нутқ органлари устида мулоҳаза юритинг. х ва ҳ ҳарфли сўзларни устунларга бўлиб кўчиринг.

«...Абубакр Калава ҳикоя қилишдан тўхтаганда вақт ҳам тўхтаб қолгандек бўлди. Тун пардаси чўккан ҳовлида сукунат ҳукм сурарди.

Сабадорларнинг ғаройиб ишлари такяхонада ўлтирганларнинг хаёлини буткил ўғирлаб қўйди. Ҳеч Ким овоз чиқармас, гарчи ҳикоя тугаганлигини билсалар ҳам, нечундир давомини кутишарди. Барча ҳозир Самарққандда, Лакшманнинг чуқуртак ҳовлисида эмас, гўё Сабзаворда, Боштин, Машҳад, Нишопур, Карману Симнонда кезиб юрарди. Уста Кулол оёқларини йиғиб, бир-бирига чалиштириб олган қўлларини тиззаларига қўйганча бир маромда, оҳиста бошини тебратиб ўлтирирарди. Ҳалвойи кичик жуссаси қаерга қўйишни билмагандек бевоста бўлиб, «Бай-бай! Бай-бай!» деб қўярди. Нозим Меҳмет жим ўтирар, хаёллар оғушида тез-тез бурнини ушлаб қўяётганини ўзи сезмасди. Лакшман катта-катта кўзларини ровийга тикканча қотиб қолганди. Хўрдак Бухорийга ҳикоя шунчалар таъсир қилдики, бутун ҳикоя давомида у гоҳ-гоҳида «Ие! Ие! Мен бўлмабман-да!», «Қангшарга солиш керак эди!», «Изини қуритиш керак!» деб ғулдираб ўлтирди. Мавлонзода тинглар экан, ичида Хўрдак Бухорийдан бениҳоя миннатдор бўларди. Ахир у бўлмаганда, Мавлонзодага бу ерларга келиш қаёқда - ю, сарбадорлар ҳақидаги турфа нақлни эшитиш қаёқда эди?».

(Муҳаммад Алидан).

4-вариант

Топшириқлар:

1. Берилган сўзларнинг биринчи, иккинчи, учинчи бўғинларида келган **а, о,** товушларини тўғри талаффуз қилинг. Тилнинг ҳаракатига кўра уларнинг қаерда пайдо бўлишига аҳамият беринг. Ажратиб берилган сўзларнинг маъноларига диққат қилинг, улар иштирокида гаплар тузинг:

А) анор-она, аро-ора, бало-бола, қаро-қора, садо-сода, ато-ота, алам-олам, дари(моқ)-дори, асар-осор;

Б) каромат, саломат, садоқат, саодат, адолат, ижобат, андоза;

В) мусалло, мусаффо, индалло, дийдиё, Сурайё, Насрулло.

Шерни ифодали ўқинг. Баъзи сўзларда «а» га мойил айтилган «о» товушга эътибор беринг.

Агар...

Билағонман, Дея керилма,
Илми амалгингга сажда қилма сан.
Афлотун бўлсанг ҳам, билганларинг бекор,
Ўз ҳалқингнинг дардин билмасанг.
Ҳазрати Сулаймон бўл, минг бир забон бил,
Эгалла булбилнинг хуш овозини.
Аммо сақов, карсан, агар унутсанг

Ўз ҳалқинг сўзу созини.
Ўз кунинга қўр излаб ёлғиз
Сўнган ўчоқларинг кулидан,
Кун кўрмабсан бўлсанг бехабар
Ўз ҳалқингнинг кўрган кунидан.
Жумлаи башарни улуғла, майли,
Минг тавоф қил басти - қаддини.
Ўзгалардан қадр топмагайсан,
Ўз ҳалқингнинг билмай қадрини.
Мажнун бўл, қалбингни тортиқ қил,
Қасам ич, севгингдан достонлар яса,
Барибир кўксингда юрак эмас, тош,
Ўз халқинг меҳридан оловланмаса!

(Адхат Сенўғил)

Адабиётлар:

1. Ортиқов Қ., Обидова М. Ифодали ўқиш, Тошкент.
2. Иброҳимов С. Адабий талаффуз маданияти, Тошкент.
3. Иброҳимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида, Тошкент.
4. Усмонова Ў. Талаффуз маданияти, Тошкент.
5. Мирзаев М. Ва бошқалар. Ўзбек тили (дарслик), Тошкент.

Мавзу: Нутқнинг тўғрилиги

Талаффуз нормалари

Саволлар:

1. Нутқнинг тўғрилиги нутқ маданияти учун қандай аҳамиятга эга?
2. Қандай ҳолларда нутқ тўғри бўлмаслиги мумкин? Нутқ тўғри бўлмаганда унинг бошқа фазилатлари (сифатлари) ҳақида гапириш ўринли бўладими?
3. Нутқий алоқа учун тталаффузнинг қандай аҳамияти бор?
4. Тўғри (адабий) талаффуздан чекинишга олиб келадиган омилларни келтиринг.

Топшириқлар:

1. Матндаги адабий талаффуздан четлашган сўз шаклларини аниқланг ва изоҳланг.
2. Бундай талаффуз нимага асосланганлигини тушунтиринг.
3. Адабий нормадан четлашувга кўпроқ қайси нутқ товушлари восита бўлмоқда?

Матнни адабий орфография асосида ёзиб чиқинг. Адабий орфоэпиядан четлашган ўринларда изоҳ беринг. Матннинг ўзбек тилининг қайси лаҳжасига яқинлигини кўрсатинг.

-Амаки, эшайни роса ўргатипсиз-ку. Қаранг, янгноқ тепасийа чиқиб рўмолийзга ҳаддор чақиропти.

-Йў:ғ, унақамас. Бозоччи амаким рўмоллани сотиб бугунларча эшай қаровуллий қилопти. Милиса кеса ҳа:раб хавар қиламан, деб чиққан.

Оқсоқол бу гапларга қулоқ солмас, аскияларга парво қилмас, тинмай ғулдираб сўкинар эди.

Қилгиликни қилиб қўйган Азизахон одамларга хаҳолаб куларди.

Азизахонни бояги қанор кўтаришини кинойа оган хроника опиратурлари асвоп-ускуналарини елкайа оттиб қайтишоткон эди. Эрмайталаб игилладан бири янгноғ тепасини кўрсатиб, уларга гап қотти:

-Манови ҳангоманийам кинойа олип қўйийла, антиқа тамоша бўлади.

(С. Аҳмаддан)

Нутқда эгалик қўшимчаларидан фойдаланиш нормалари

Саволлар:

1. Тилнинг грамматик нормаларини айтинг.
2. Эгаллик қўшимчалари деганда қайси қўшимчаларни англайсиз, улар нутқда қандай қўлланилади?
3. Эгаллик қўшимчаларинг нормага мос мос бўлмаган ҳолда ишлатилиши сабабларини тушинтиринг.

Топшириқлар:

1. Матнни кўчиринг. Унда эгаликнинг ишлатилишига эътибор қилинг ва тагига чизиб чиқинг.
2. Фикрни юзага чиқаришда эгалик қўшимчалари бажараётган вазифаларни изоҳланг.
3. Қаратувчини талаб қилмайдиган эгалик шаклларини аниқланг ва изоҳланг.

- Мирзо, волидангизнинг тайинлаганлари бошқа эди! - деди Қосимбек.

- Волидалари бу ердаги аҳволни билмаганлар! - деб Бобурнинг ўрнига Шеримбек жавоб қилди. Аммо Қосимбек унинг гапига қулоқ солмай Бобурга ёндашди:

- Хоним ҳазратлари бугун Дафн маросимини ўтказиб эртага Андижонга келурлар. Улуғ онангиз ҳам чорбоғдан қурғонга кўчмоқчи эдилар. Улар сизни қаердан топурлар?

(П.Қодировдан)

Адабиётлар:

1. Бегматов Э. Адабий талаффуз маданияти, Тошкент.
2. Бегматов Э. ва б. Ўзбек адабий талаффузи луғати., Тошкент.
3. Иброҳимов С. Адабий талаффуз маданияти. Тошкент.

Мавзу: Нутқнинг аниқлиги. Нутқнинг бойлиги. Нутқнинг аниқлиги.

Саволлар:

1. Қандай нутқни биз аниқ нутқ деймиз?
2. Аниқлик ҳақида мутафаккирлар қандай фикрлар айтганлар?
3. Нутқнинг аниқлигига қандай йўллар билан эришилади?

Топшириқлар:

1. Матнни синчиклаб ўқиб чиқинг. Унда қатнашган сўзларнинг нарса маъноси билан матндаги вазифасининг мослигига эътибор беринг.
2. Кўп маъноли, синономик, омономик маънога эга бўлган сўзларнинг матндаги вазифасига диққат қилинг, номослик юз берган ўринларни изоҳланг.

3. Четдан кирган (ўзлашган) сўзларнинг, профессионализмлар, диалектизмлар ва бошқаларнинг ўринли қўлланилганлигига диққат қилинг.
4. Матнда паронимлар бўлса, уларга изоҳ беринг.

Адабиётлар:

1. Головин Б.Н. Основў культурў речи, М.
2. Ицкович В.А. Язўковая норма, М.
3. Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек тилининг лексик нормалари, Нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент.

Султонмурод мажлисдагиларнинг гапидан, Алишернинг ҳали саройда эканлигини фаҳмлади... Орадан кўп вақт ўтмай кимдир шоирнинг келганлигидан ҳабар берди. Султонмурод дарҳол ўзини айвонга олди. Шу вақт уйдагиларнинг аксари, шу жумладан мавлоно Фасиҳиддин ҳам чиқди. Ҳамманинг кўзи унда-мунда дарахтлар ўсган катта ҳовлида эди. Зарёқа тўн кийган, мағрур бирнеча сарой одамлари орасидан Султонмурод шоирни худди илгари кўргандек даров таниб олди, кўзлари чексиз қувонч билан ёниб кетди. Шоирнинг бошида учли кўк тақяга силиқ ўралган кўркамгина сала. Эгнида одми шоҳи тўн, устида яланг қўнғир мовут чакман- Навоий ўттиздан ошмаган бўлса ҳам, ёши улуғроқ кўринади. Қомати ўртадан баланд, ингичка, лекин пишиқ бармоқлари узун ва нафис; қора ва қисқа соқоли, хушбичим мийиқлари текис ва силиқ; ёноқлари чиқиқроқ, кенггина юзида доимий тафаккурнинг асл маъноси, маънавий қудрат ва енгил, гўзаллаштирувчи бир ҳорғинлик жилваланади. Қабариқроқ қовоқлари остидаги қиёғоч кўзларида кўзларида гўё тафаккур ва хаёл билан бирга қандайдир ирода кучли ифодаланади.

(Ойбекдан)

Нутқнинг бойлиги.

Саволлар:

1. Қандай нутқни бой нутқ деймиз?
2. Нутқнинг бойлиги тил воситаларининг кўп ишлатилганлигининг ўзигина белгилайдими?
3. Ўзбек шоир ва ёзувчиларининг сўз бойлиги ҳақида нималарни биласиз?

Топшириқлар:

1. Матнни мазмуни билан танишинг ва шу фикрларни юзага чиқариш учун муаллиф қанча тил бирлигидан фойдаланганлигига эътибор беринг.
2. Матнда ишлатилган сўзларни алифбо асосида ёзиб чиқинг. Бир марта ёки кўп марта ишлатилган сўзларнинг сонини аниқланг. Қайси туркум сўзлари кўпроқ такрорланган?
3. Ортиқча ишлатилган сўзларнинг бор-йўқлигига эътибор беринг.

Хадичабегим Бобурниқасрнинг муҳташам қабулхонасида кутиб олди ва оёғи ҳам қуйма олтиндан ишланган, устида яхлит садаф қопланган миз ёнида ўтказди.

Салобатли хушқомат бегимнинг орқароғида - қабулхонанинг энг кўзга кўринарли жойида бир туп атиргул ярқираб турибди: поялари олтиндан, барглари зумраддан, тўқ қизил гуллари ёқутдан. Гул шохида қўниб турган кичкина олтин булбулнинг тумшуғчасида дон ўрнида соф гавҳар жилоланиб турибди. қабулхонанинг эшик ва деразаларига осилган шоҳи дарпардаларда ҳам дурлар, лаъллар ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган.

Фақат Хадияабегимнинг ўзи қорамтир-кумушранг парчадан безаксиз қабо кийган, унинг бошидаги кўкиш тоқида кўзга унча ташланмайдиган сийрак марварид доналари кўринар эди. Ақлни шоширадиган бундай жавоҳирот орасида гўзал қиз-жувонлар қуршовида ўтирган эллик ёшли улуғсифат малика Бобурни ҳам, Қосимбекни ҳам анча довдиратиб қўйди.

(П.Қодировдан)

Адабиётлар:

1. Қўнғиров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари, Тошкент.
2. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари, Тошкент.
3. Головин Б.Н. Основў культурў речи, М., 1980.
4. Умарқулов Б. Сўз танлаш санъати, Тошкент.
5. Аъламова М. Нутқда акс этар бир олам бойлик, Тошкент.

Мавзу: Мимик ва пантомимик ифодаланганлик асослари

Мақсад: Талабаларнинг педагогик мақсадга йўналган муносабатлар, таъсирланиш, кайфиятни мимика, имо-ишора билан ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш.

Машғулот режаси:

1. «Актёрлик маҳорати элементларининг педагогик фаолиятдаги ўрни» мавзуси бўйича асосий назарий билимларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш.
2. Мимик ва пантомимик ифодалангаликни ривожлантириш машқлари.
3. микродарс ўтиш: Ўқитувчи суҳбати.

Машғулотнинг бориши:

1. Асосий назарий билимларни ўзлаштирилишини текшириш:

1) Театрал ва педагогик санъатнинг умумий ва фарқ қилувчи томонлари.
2) Театрал ва педагогик санъатнинг таъсир этиш воситалари ва режессураси.
3) Педагогнинг мимика ва пантомимикаси, ёш ўқитувчиларнинг камчиликлари.

2. Мимик ва пантомимик ифодаланганликни ривожлантириш машқлари:

1-машқ. Боланинг эмоционал ҳолатини аниқлаш.

Ҳар хил эмоционал йўналишли суратлар берилади; ҳузур, роҳат, қийинчиликка учраганда ҳижолат тортиш, уялиш, эмоционал низо ҳолати, мувоффақиятсизлик, ҳайратланиш ва ҳ.к. қандай ташқи ифодаланишга қараб эмоционал ҳолатга баҳо берилади (мимика, пантомимика).

2-машқ. Ички монолог. Расмда тасвирланган одамнмнг ташқи кўринишига қараб унинг ички ххолатини тасаввур этиш.ҳиссиёт ва хаёл кўламини тушиниш. қаҳрамон монологини айтиб бериш.

3-машқ. Бирор-бир «Кўзғотувчи» га жавобан умумий мимик реакция.

А) Сиз ёзаяпсиз. Эшик очилади. Сиз бошни кўтариб, сизга ҳалақит берган одамга қарайсиз: ҳайрат билан, тутақиб: бирор нима бўлдими?, қувонч билан: «Ҳайрат-э!» ва ҳ.к.

Б) Олиб борувчи ҳаммага қараб салом беради. Сиз жавоб берасиз (совуқ ҳушмуомала, ҳурсанд бўлиб, бепарво, назарга илмай, меҳрибонлик билан, дўстларча, бир нимани кутиш билан, жаҳл билан ва ҳ.к.).

В) Ҳолат: «Ўқувчи» ўқитувчига дарсни тайёрламаганлигини айтади. Сизнинг жавобингиз (ҳамдардлик, танқид қилиш, кутиш, ёнини олишга тайёрлик, ҳайратланиш - буни кутмаганлик, ёки бу нечанчи марта такрорланиши, менга фарқи йўқ).

4-машқ. Ҳар қандай «қўзғотувчи» га жавобан индивидуал таъсирланиш.

А) Сиз доскага ёзаяпсиз. Ўқувчилар сиз билан бир вақтда дафтарларига ёзишлари керак. қандайдир «шовқин» кўтарилди. Сиз синфга қараб бурилиб: «Нима бўлди?», «Ким хали иш бошлагани йўқ?», «Бас қилинг - тинчланинг!», «Мен тинчланишингизни кутаман!», «Ҳамма ишлаётганда шовқин қилмаслик керак. Муҳим иш қилинаётганда шовқин қилмаслик керак!» ни ифодалаш.

Б) «Ўқувчи доска олдида. Топшириқни бажарди. Сизнинг таъсирга жавобингиз: хотиржам - ҳаммаси тўғри, ҳурсанд бўлиб – Яша!», қувонч қониқиш, ёқимли, шундай яхши натижани ёқиши, ҳайратланиш: «Ҳаммасини тўғри бажарганлигинга ишонасанми?», ҳафа бўли шва танқид қилиш, ҳамдардлик.

5-машқ. Машқ ахборотниндивидуал узатишга мўлжалланган.

А) Сиз синфга кирдингиз. Болаларни дарсда эканлигидан ҳурсандсиз...

Сиз синфга кирдингиз. Синфда тартибсизлик. Сиз бундан ҳайратдасиз...

Сиз синфга кирдингиз. Ўқувчилар олдинги ишни яхши бажаришган. Сиз уларга нима дейсиз...

Сиз синфга кирдингиз. Шу синф ўқувчилари ёмон иш қилганлигини ҳозир билиб қолдингиз...

Б) Сиз ўқувчилар қандай ишлаётганини кўриш мақсадида қаторларни айланаяпсиз. Улар яхши ишлаяпти.

Қаторларни орасидан ўтасиз. Мақсадингиз: Ўқувчилар ишини назорат қилиш.

Қаторларни орасидан ўтасиз. Бир ўқувчи бугун ҳар кунгидан яхши ишлаяпти. Унга кўрсатган ҳолда буни такидланг.

Қаторларни орасидан ўтасиз. Улар дуч келаётган қийинчиликлардан ҳайратдасиз. Ҳамма ўқувчилар ишлаяптими йўқми текшириб чиқасиз.

Микродарс ўтиш: Ўқитувчи суҳбати

Суҳбатни самарали бўлиши бир қатор талабларга риоя қилишга боғлиқ. Уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Логик - лингвистик талаблар: Саволлар мантиқан тўғри тузилиши, суҳбатни алоҳида қисмлари орасида боғланишлар бўлиши, нутқнинг оптимал темпи, орфоэпик тўғрилик, дикциянинг аниқлиги, мантиқий урғу кучи.

Психологик талаблар: Ўқитувчини ишонувчанлиги, эркин ўзини тутиши, юмор туйғусиси бўлиши, ўқитувчининг хотиржамлиги, ўзига ишончи, ўқувчини сўз билан қўллаш, имо-ишора, мимикани қўллаш, ўқувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ва индивидуал ўзига хосликларни ҳисобга олиш, ўқувчиларга қўйилган баҳоларни асослаш ва назорат.

Педагогик талаблар: саволларни тузиш маҳорати, муаммоли саволларни қўя билиш, саволларни тақдим эта олиш маҳорати, синфга савол билан мурожат қилиш, ўқувчиларни фаоллаштириш учун ва аниқлик киритиш учун қўшимча саволларни борлиги, муҳокама тугаганидан сўнг ҳулоса чиқариш маҳорти, кўргазмалиликдан фойдалана билиш, доскада ёзиш, иллюстрация, ЎТВ.

Дарс мавзуси бўйича 3 минут давомида суҳбат ўтказиш. Кириш суҳбатини муҳокама қилиш.

Тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Ю.П.Азаров. Тарбиявий иш методикаси. Тошкент «Ўқитувчи» 1991.
2. Основ**ў** педагогического мастерства. Москва Просвех**е**ние 1989.
3. З.К.Исмоилова. Педагогикадан амалий машғулотлар. Тошкент «Фан» 2001.
4. З.К.Исмоилова Тарбиявий иш методикаси. Тошкент «Истиқлол» 2003.

Мавзу: Педагогик жараёнда ишонтириш ва таъсир этиш

Мақсад: Ишонтирувчи таъсир исботи мантиқий қоидалари билан талабаларни таништириш, исботда хатоларни топишни ўргатиш. Тушунчаларга мантиқ қоидаларига асосланган ҳолда таъриф беришни ўргатиш.

Жиҳозлар: Тарқатма материаллар: тушунчалар таърифлари бўйича топшириқли карточкалар. Хатога йўл қўйган исбот мисоллари. 3-4 педагогик масала (таъсир этишни талаб қиладиган), муаммоли вазиятларни ташкил қилиш ва дарсда муаммоли масалаларни қўйиш бўйича топшириқлар. Ўқитувчи гапларини магнит лентадаги ёзуви.

Машғулот режаси:

1. Талабаларнинг дарсга назарий тайёргарлигини текшириш.
2. Тушунча таърифларини ва исботда хатоларни топиш бўйича машқлар. Тўғри ва четдан таъсир этишниўллаш бўйича машқлар бажариш, ўз-ўзига таъсир этиш формулаларини тузиш.
3. Микродарс ўтиш. Дарсни муаммоли баён этиш. Дарсда муаммоли ҳолатларни ташкил қилишни машқ қилиш.

Машғулотнинг бориши:

1. **Талабаларни машғулотга назарий тайёргарлигини текшириш бўйича саволлар:**

1) Ўқитувчини ўқувчиларга коммуникатив таъсири асосий турлари.
2) Ишонтириш ва таъсир этиш таърифлари. Ишонтириш ва таъсир этиш психиканинг қайси томонларига қаратилган?
3) Ишонтирувчи таъсирни исботланувчанлигини асосий шартлари.
4) Таъсир турлари, педагогик фаолиятда қўлланиладиган таъсир этиш турлари.
5) Тўғридан-тўғри таъсирнинг асосий шакллари.

2. **Тушунчаларни таърифи ва исботлардаги хатоларни аниқлаш бўйича машқлар.** Ҳар хил тўғри ва четдан таъсир этишни қўллаш ва ўз-ўзига таъсир этиш формулаларини тузишни машқ қилиш.

1-машқ. Тушунчага таъриф бериш, уни анализ қилиш.

2-машқ. Исботдаги хатони топиш.

1. Қуйидагини нотўғрилигини аниқлашда қайси қонундан фойдаланамиз: «Агар сон 9 ва 3 га бўлинса у 6 га ҳам бўлинади».

2. Қуйидагида учунчисинс рад этиш қонуни ўринли бўладими: «Ҳамма хашоратлар бўғиноёқли эмас».

3. Қуйидаги жумлада қандай мантиқий хатога йўл қўйилган: «Либерал - бу шундай одамки у либерал қарашларга таянади».

4. Оддий ва мураккаб бир вақтда бажарила олмайдиган тушунчаларга мисол келтиринг.

5. Мантиқ қонунлари бузиладиган ўқувчиларнинг ҳулосаларидан мисоллар келтиринг.

3-машқ. Таклиф қилинган педагогик ҳолатларни анализ қилинг ва қуйидаги топшириқларни бажаринг.

1) Таъсир этиш ҳаракати мақсадини аниқланг.

2) Шу ҳолатдаги энг оптимал таъсир этиш услубини танланг.

3) Таъсир этиш мазмунини ишлаб чиқинг, уни сўз шаклини тузинг.

Ҳолат А. Синф эрта баҳорда шаҳардан ташқарига экскурсияга чиқди. Дарёни кўриб ўқувчилардан бири: «Кетдик чўмиламиз!» деди. Ҳамма болалар уни орқасидан дарё томон чопиб кетишди. Сув ҳали совуқ, чўмилиш мумкин эмас. Ўқитувчи дарҳол буни олдини олиши керак.

Ҳолат Б. Коллеж тозалик кўригида тайёргарлик кўрмоқда. Гуруҳга ташқаридаги участкани тозалаш топширилган. Ишни ташкил қилиш бўйича раҳбарият таъсир ҳаракатлари тури ва шаклларини аниқланг.

Ҳолат В. Толиб С. физика дарсида ўқитувчига қўполлик қилди. Гуруҳ раҳбарини четдан таъсир этиш билан бу ҳолатдан чиқиш йўлини кўрсатинг.

Ҳолат Г. Анвар К. дарсга кечикиб келди. Ҳазил, кесатиш йўли билан четдан таъсир этишни ишлаб чиқинг.

4-машқ. Ўз-ўзига таъсир этиш формулаларини Билан танишиш ва аниқ манавий нуқсонларни бартараф қилиш учун «Ўз-ўзига таъсир этиш» формулаларини ишлаб чиқиш.

Кун тартибига риоя қилиш ўз-ўзига таъсир этиш формулалари:

«Мен ўз вақтимни бошқара оламан»

«Соат 3 дан дарс тайёрлаш учун ўтираман»

«Соат 10 да ётаман, 7 да тураман»

«Машқлар соғлиқ гарови»

«Бадан тарбияси билан шуғулланишни хоҳлайман»

Ўз-ўзига ишонч ва ўз-ўзини тарбиялаш формулалари:

«Мен ўзимга ишонаман»

«Саволларга жавоб беришда ўзимга ишонаман, хотиржамман»

«Ёдлаган нарсамни яхши яхши айтиб бера оламан»

3. Микродарс ўтиш. Материални муаммоли ўтиш.

Ўқитувчи 3-4 талабага дарсдаги муаммоли ҳолат бўйича карточка - топшириқлар тарқатилади. Талабалар навбати билан бу топшириқларни бажарадилар. Гуруҳ эса ўқитувчи раҳбарлигида «Ўқитувчи» ҳаракати ва хулқини таҳлил қилади.

Мавзу: Гуруҳ раҳбарининг иш режасини тузиш.

Машғулотнинг мақсади: Гуруҳ раҳбарининг режасини тузишни ўрганиш.

Таълимий мақсад: Талабалар билан гуруҳ раҳбарининг олиб бораётган ишлари фақатгина таълим-тарбия бўлиб қолмасдан, уларни тарбия соҳасидаги амалий малака ва кўникмалар билан қуроллантириш.

Ривожлантириш мақсади: Дарс жараёнида талабаларни педагогик сифатларини шакллантириш.

Тарбиявий мақсад: Талабаларда ўзларига ишонч, педагогик фикрни уйғотиш, мустақил иш режаси тузишга ундаш каби малакаларни шакллантириш.

Дарс тури - лаборатория.

Ажратилган вақт - 2 соат.

Дарсни жиҳозлаш - мавзуга оид адабиётлар, плакатлар, ҳар бир талабаларда линейка, қалам ва ҳ. к. ўқув қуроллари бўлиши керак.

Жадвал.

№	Ишнинг мазмуни	Бажариладиган муддати (ой, кун, ҳафта)	Бажаришга жавобгар шахс	Эслатма
	Ўқувчиларни ўрганиш (шахсий ҳужжат бўйича)	5-6 семестр	Гуруҳ раҳбари гуруҳ фаоллари	Ўтказилганлиги ҳақида маълумот
1	2	3	4	5

Асосий масалалар:

1. Гуруҳ раҳбарининг бир ойлик иш режаси ҳақида қисқача тавсифнома бериш.
2. Берилган жавобларни тўлдириш.
3. Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмуни.
4. Амалга ошириладиган асосий вазифалар.

Машғулотни ўтказиш учун методик кўрсатма.

Талабалар танишув амалиёт (касб - ҳунар коллежлари) даврида ўқув гуруҳларида ўтказиладиган тарбиявий иш мавзулари, режалари, тадбирлар номлари ва аҳамиятлари, гуруҳ раҳбарларининг иш мазмуни билан танишиб қайтадилар. Шу билан бирга амалиёт якунида бажарган ишлар бўйича кафедрага ҳисобот топширадилар. Ҳисоботларда амалиёт ўтаган билим юртларининг қисқача тарихи, моддий базаси, ўқитувчилар жамоасининг тавсифномаси, амалиёт даврида бирга ишлаган ўқув гуруҳининг ҳар бир ўқувчисига қисқача тавсифнома, гуруҳ раҳбарлари билан ўтказилган тарбиявий тарбирларнинг таҳлили келтирилади. Унда ўқувчиларнинг амалиёт даврида ўзлаштириш, ўқишга муносабати, жамоат ишларида қатнашиш фаоллиги, қизиқишлари, айрим ўқувчиларнинг ажратиб турувчи хислатлари кўрсатилади. Шундан келиб чиққан ҳолда дарс жараёнидаги асосий масалалар ва жадвал (ўша ҳар бир гуруҳ имкониятларидан келиб) тўлдирилади.

Талабалар бунда кўпроқ эътиборларини:

- Ўқувчиларда бурч хиссини ривожлантириб бориш;
- Ўзлаштиришни доимий ошириб бориш танланган касбига ижобий муносабат уйғотиб бориш;
- Ўқувчиларнинг доимий меҳнатда фаол иштирок этишларини таъминлаш;
- Барча ўқувчиларни жамоат ишига жалб этиш;
- Ўқув гуруҳи жамоасини ва унинг ўз-ўзини тарбиялашга жалб қилиш;
- Ўқувчиларнинг умумий маданиятини ривожлантириш;
- Ўқувчиларни мустақил ўқишга ва ўз-ўзини тарбиялашга жалб этиш;
- Ўқувчилар билан индивидуал иш олоб бориш, алоҳида эътиборни фаолларга, пассивларга, ўзлаштирмовчиларга, интизомсизларга, етарли даражада тарбияланмаган ўқувчиларга қаратиш;

- Юқорида келтирилган вазифаларнинг бажарилишини мафкуравий жиҳатдан таъминловчи ғоявий-тарбиявий иш олиб боришга қаратиш лозим.

Дарс охирида талабалар бажарилган ишлари ўқитувчи томонидан текширилади ва баҳоланади.

Уйга топшириқ.

Таълим методларига қандай талаблар қўйилади? Билиб ўрганиб келинг.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Азаров С.П. Тарбиявий иш методикаси. Тошкент. «Ўқитувчи» , 1990.
2. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Тошкент. «Ўқитувчи» , 1996.
3. Зиёмуҳаммедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.

Мустақил таълим.

Вазифа: Гуруҳ раҳбарининг ота-оналар билан биргаликдаги иш режасини тузинг.

Мавзу бўйича таянч иборалар:

Индивидуал ёндашиш, гуруҳ ўқувчиларининг хусусиятлари, гуруҳ раҳбарининг иш режаси, таълим методлари.

Мавзу: Тарбиявий соатларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Машғулот мақсади: талабалар ўртасида меҳр-оқибат, хақиқий инсоний муносабатлар ниҳоятда зарур бўлиб қолган вазиятда тарбиявий соатларнинг ахлоқ-одобга оид сабоқларининг аҳамиятини тушунтириш.

Тарбиявий ва таълимий мақсад: Дарс жараёнида талабаларнинг ўз-ўзларини бошқаришга ўрганишга, тарбиявий-ташкилий ишларни демократлаштиришга, инсонпарварлаштиришга, ўқитувчи-тарбиячи-мураббий-ларнинг эркин мулоқотга кенг йўл очиб беришга, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга ўргатиш.

Машғулот тури - лабаратория амалий.

Ажратилган вақт - 2 соат.

Ўтказиладиган жой - Амалий хона.

Кўриладиган масалалар:

1. Тарбиявий соатларнинг мақсади ва вазифалари.
2. Талабанинг бурч ва вазифалари.
3. Тарбиявий соатлар ўтказишнинг усуллари.
4. Хоҳлаган мавзуингиз бўйича тарбиявий соат ўтишни ташкил этиш.

Дарсни жиҳозлаш - мавзуга оид адабиётлар, плакатлар, ҳар бир талабаларда мавзуга оид методик тавсиялар, тўлдириш учун жадвал.

Машғулотни ўтказиш бўйича методик кўрсатма.

Яхши тарбия кишининг бебаҳо бойлигидир. Бу бойлик Билан ёш авлодни тарбиявий ишларини уйғун ташкил қилингандагина таъминлаш мумкин. Маълумки, инсоннинг баркамоллиги унинг ташқи кўринишига қараб эмас, балки кўпроқ унинг маънавий дунёсига қараб белгиланади. Жамиятнинг равнақи ва келажаги анна шу жамиятда яшовчиларнинг ҳам маънавий, ҳам моддий камолотига боғлиқ. Инсоният маънавий қашшоқ экан, келажагипорлоқ жамият қуриб бўлмаслиги ҳаёт ҳақиқатидир. Шундай экан, бутун кучғайратимизни, қалб қўримизни инсониятда олиб бориладиган таълим-тарбияишига сарфламоғимиз лозим.

Бу эса, асосан тарбиячи-мураббийга, олиб бораётган тарбиянинг самарадорлигига, тарбиявий тадбирларнинг нечоғлик маҳорат билан ташкил эта билишга боғлиқ.

Талабалар ўртасида меҳр-оқибат, ҳақиқий инсоний муносабатлар ниҳоятда зарур бўлиб қолган вақтда тарбиявий соатларнинг ахлоқ, одобга оид сабоқларнинг аҳамияти янада муҳимдир.

Инсонпарварлик - коллежнинг бутун фаолиятини ўқитувчи ва талабага қаратиш, унинг шахсиятини ҳурмат қилиш, қадрлаш, ишонч билдириш, шаклланиш жараёнида уларнинг талаб ва эҳтиёжларини, шахсий манфаатларини тўғри тушинишдан иборат.

Демократлаштириш - коллежни бошқаришдан тортиб, бутун ички тузилиши ва фаолиятини ўз ичига олади. У коллежни ҳар қандай юқори буйруқбозликдан, айрим шахс ва жамият ходимларининг шахсий фикрларидан халос этади.

Тарбиявий соатлар - коллеж шароитида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий шаклларидандир. Тарбиявий ишларнинг 2 тури мавжуд:

I-тури: Тарбиявий ишлар маърифий, йўналтирувчи, баҳоловчи сингари асосий таркибий қисмлардан иборат бўлиб дарс жадвалидан 45 - минут ажратилган:

1. Маърифий таркибий қисмда - ўқув дастурларидан ташқари талабаларнинг этик, эстетик, психологик тушунчаларини, фан, техника, халқ хўжалиги, Дунё воқеаларига оид мавжуд билимларни бойитадиган ва кенгайтирадиган ишлар амалга оширилади (10 дақиқа).

2. Баҳоловчи таркибий қисмда - атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ундан оқилона фойдаланиш, улуғ халқимизнинг шон-шўҳрати, миллий урф-одатларимиз, қадриятлар ҳақида тегишли тушунчаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилади (25 дақиқа).

3. Йўналтирувчи таркибий қисмда - талабаларнинг мавжуд хаёт ҳақидаги билим ва тушунчалари тўғри, мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, уларнинг хаёт тажрибаси, ахлоқи, турмушда ўз йўлини тўғри танлашдек, хаётий фаолиятлари бошқариб борилади (10 дақиқа).

1. Асосий қисм.
2. Бадий қисм.

II -тури: Тарбиявий соатлар ўтишнинг яна бир тури ҳақида гаплашамиз. Бу турни 4 бўлимга ажратиш мумкин:

1-бўлим (хабар бўлими) га - 5 минут вақт ажратилиб, унда талабалар хорижий давлатларда, Ўзбекистонда юз берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий воқеаларнинг шарҳи билан таништирилади;

2-бўлим (таништириш бўлими) га - 5 минут вақт ажратилиб, унда талабалар коллеж, марказ раҳбарияти ва кенгашлар томонидан талабалар хаётига оид қабул қилинган қарорлар, буйруқлар билан таништирилади ва изоҳ берилади;

3-бўлим (баҳоловчи бўлим) га - 10 минут вақт ажратилиб, унда гуруҳдаги талабаларнинг ҳафталик давомати, ўзлаштириш бўйича доимий назорат усулларининг натижалари баҳоланади, маданий ва маънавий масалалар ҳал қилинади.

4-бўлим (маърифий бўлим) га - 25 минут вақт ажратилиб, бунга миллий истиқлол мафкураси, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар бўйича суҳбатлар, мунозаралар уюштириш киради.

Эслатма: бунинг учун 1-2 ҳафта олдин коллеж маънавият маркази томонидан мавзулар тарқатилади.

Гуруҳ тарбиявий соатининг тузилиши.

Гуруҳ тарбиявий соатларининг тузилиши ўз моҳияти, мазмуни ва таснифи, режаси, тўпланган асосий материаллар жиҳатдан тўрт қисмга бўлинади:

3. Кириш.
4. Якунловчи қисм.

1-Кириш қисмида - талабаларнинг диққати мавзунинг долзарблигига, мазмунига, инсоннинг ҳаётида, жамиятривожида, ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва аҳамиятига қаратилмоғи лозим.

2-Асосий қисмда - Олиб бориладиган тарбиявий ишнинг кун тартибидаги тўлақонли мазмуни ташкил этади.

3-Бадиий қисмда - Бунда мавзунинг мазмуни маромига етказилади.

4-Якунловчи қисмда - Кўрилган ва муҳокама қилинган тарбиявий масалага амалий ёндошиш билан якун ясалиб, вазифалар белгиланади ҳамда навбвтдаги тарбиявий соатларнинг мавзуси эълон қилинади.

Жадвал.

Гуруҳ тарбиявий соатлар наъмунавий режасини тузилиши:
Сана:
Мавзу:
Машғулотнинг бориши:
Машғулотнинг жиҳозланиши:

Т.р.	Қисмлар	Асосий қисм ва мавзуларнинг қисқача мазмуни	Маъсул киши (шахс)
1	2	3	4
1	Кириш 3-5 минут	1..... 2.....	Гуруҳ раҳбари. Олиб борувчи.
1	2	3	4
2	Асосий қисм 15-20 минут	1..... 2..... 3..... 4..... 5.....	Олиб борувчи. Талаба А. Талаба Б. Гуруҳ сардори. Талаба В.
3	Бадиий қисм 5-10 минут	1..... 2..... 3..... 4.....	Олиб борувчи. Гуруҳ сардори. Талаба Г. Талаба Д.
4	Якунловчи қисм 5-10 минут	1..... 2.....	Гуруҳ раҳбари. Олиб борувчи.

Тасдиқлайман:

Тарбиявий ишлар бўйича директор муовинининг имзоси:

Кўпдан бери олиб борилаётган педагогик тажрибалар ҳамда мутахассисларнинг фикрича ўсиб келаётган ёш авлодга мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишда гуруҳ тарбиявий соатларининг иш мазмунини аниқлаш ва пухта

режалаштириш, яъни мавзуларни фаслларга, байрамларга, тарихий саналарга, бўлаётган воқеаларга қараб ҳамда тинчлик, дустлик, биродарлик, оила, касб, табиатни севиш, ватанпарварлик, аждодларимиз мероси, инсонийлик,ахлоқийлик, урф-одатлари, анъаналари сингари тарбиявий муаммолар асосида танлаш муваффақиятга эришишнинг гарови эканлигини кўрсатмоқда.

Бунда қуйидаги мавзуларга алоҳида эътибор бериш лозим. «Инсон ва инсонийлик», «Давлат мустақиллиги ва инсон ҳуқуқлари ҳақида нималарни биласиз», «Гўзаллик олами», «Миллий урф-одатлари ва анъаналари», «Ватан, миллат, маърифат».

Мустақил таълим.

1-вазифа. Ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш манбалари.

2-вазифа. Талабалар ошхонада навбатчилик қилишарди. Бир қиз (ҳар доим интизоми, ҳулқи билан намуна бўлиб келган қиз) стулларни тозалаб артиб турган вақтида билмасдан стаканни тушириб юборди. Шунда гуруҳ раҳбари нима қилиши керак? Тарбияни қандай усулларидан фойдаланиш лозим деб ўйлайсиз?

Мавзу бўйича таянч иборалар:

Тарбиявий соат, тарбия, таълим, инсонпарварлаштириш, демократлаштириш.

Мундарижа

Сўз боши.....3
Ўқитувчининг ўз психик ҳолатини ўзи тартибга солиши.....4
Ўқитувчининг диққати ва кузатувчанлиги.....6
Ўқитувчи овозининг хусусиятлари.....7
Нутқнинг тўғрилиги.....10
Нутқнинг аниқлиги. Нутқнинг бойлиги.. 11
Мимик ва пантомимик ифодаланганлик асослари.....13
Педагогик жараёнда ишонтириш ва таъсир этиш.....15
Гуруҳ раҳбарининг иш режасини тузиш.....16
Тарбиявий соатларни ташкил этиш ва ўтказиш.....18